**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислигининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМ...
Буйруқ № 418
«14» 08 2020

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети;
- Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий тадқиқот институти.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | Бет |
|---|---|---|
| 1. | *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислигининг умумий тасnифи ............................................................................................................ | 4 |
| 1.1 | Қўлланиш соҳаси ................................................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.................................................................................. | 5 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари............................................ | 4 |
| 1.2 | *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тасnифи ............................................ | 5 |
| 1.2.1. | *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари............................................ | 5 |
| 1.2.2. | *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари....................................... | 4 |
| 1.2.3. | *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари............................................ | 4 |
| 1.2.4. | *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари............................................................ | 4 |
| 2. | *5А411004– Картошкачилик* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.............. | 6 |
| 2.1 | Умумий компетенциялар.................................................................................. | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар.................................................................................... | 7 |
| 2.3 | Касбий квалификациялар | 7 |
| 3. | *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .. | 8 |
| 3.1. | *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар............ | 8 |
| 3.2. | *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.................................................................. | 8 |
| | Библиографик маълумотлар.............................................................................. | 9 |

## 1. *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

***5А411004– Картошкачилик*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***5А411004– Картошкачилик*** магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

***5А411004– Картошкачилик*** соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаши ва унинг худудий бўлимлари, илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқарувига оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек сабзавотчилик тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда озиқ-овқат хавфсизликни таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқикот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- - ер, сув, энергетика ва моддий техник ресурслар, к/х техникаси;
- - кимёвий ва биологик воситалар;
- - картошка экинини ишлаб чиқариш жараёни;
- - селекция ва картошка экини уруғини олиш жараёни;
- - картошка экини ассортименти;
- - картошка экини уруғликлари;
- - картошка экини ҳосилига бирламчи ишлов бериш ва сақлаш технологиялари;
- - картошкачиликнинг корхоналари ва ташкилотларида бошқарув тизими;
- - илмий тадқиқот жараёни;
- - ўқув жараёни.

- картошка экинлари маҳсултини ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида бошқарув кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

**1.2.3. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳа -технологик фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

***5А411004– Картошкачилик*** мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагигик фаолиятида:**

– илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

– илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

– илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

– ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Лойиҳа -технологик ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- картошкачилик соҳасини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олишда илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- картошкачилик соҳаси самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон ҳамда хорижда соҳага оид ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда маҳсулот кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

- картошка экинлари экилган майдонларини мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- картошка маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- агросаноат мажмуи корхоналари, ташкилотлар, фермер хўжаликларида меҳнат фаолиятини ташкил этиш;

- соҳа фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- картошка янги технологияларни жорий этиш, ресурстежамкор технологиялар бўйича таклифлар ва ихтиролар бўйича самарадорликни аниқлаш;

- соҳага оид қабул қилинган қарорларни ижроси, бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, агротехник тадбирларни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- олиб бораётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича информацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

## 2. *5А411004– Картошкачилик* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

### 2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

**2.2. Касбий компетенциялар**:

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши ва мониторингини олиб бориш;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалавриат ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқув фанлари бўйича зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- дала экинларининг энг серҳосил навларини танлаш, етиштириш технологиялари ҳамда кўпайтириш усуллари бўйича фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгаларига маслаҳат бериши;

- картошкачилик инновацион ишланмалар бўйича таҳлилларни ўтказиш ва эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- ихтисосликка мос турли хизматларни ташкил этиш ва амалга оширишни билиш.

**2.3 Касбий квалификациялар**

Картошка уруғчилиги агрономи, картошка апробатори, картошка агротехнологи, вируссиз картошка уруғчилиги мутахассиси, уруғлик ва озикбоп картошкани сақлаш мутахассиси, картошкачилик бўйича олим агроном, картошка селекционери, картошкачилик муаммоси бўйича мутахассиси, картошка хосили сифатини назорат қилиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин

## 3. *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**3.1. *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2 *5А411004– Картошкачилик* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 54% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - |
| Аттестациялар | 9% |
| Таътиллар | 18% |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 19% |

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, картошкачилик, магистратура, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кадрларга талаб, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, электрон билим манбалари, дидактика, назария.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Ректор____________**Б.А.Сулаймонов**

202_0 йил «_20_» _07_______

М.Ў.

**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази**

Директор____________**З.Ҳакимов**

202_0 йил «_20_» _07_____

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти**

Директори ____________ **Р.А. Низомов**

202 йил «_30_» _07_____

М.Ў.

**Ўсимликларнинг генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори**

Директор____________ **А.А.Аманов**

202_ йил «_30_» _07_________

М.Ў.

**5А411004- Картошкачилик мутахассислик бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис** | | | |
| 1 | М.Мирзасолиев | Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети декани | |
| **Аъзолари**: | | | |
| 2 | Г.Сапарова | Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари, доцент | |
| 3 | М.Аманова | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси мудири, профессор | |
| 4 | Ш.Асатов | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси профессор | |
| 5 | И.Нормуродов | Мевачилик ва узумчилик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори | |
| 6 | С.Дусмуратова | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси профессори | |
| 7 | С.Юнусов | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси , қишлоқ хўжалиги фанлари доктори | |
| 8 | О.Қодирхўжаев | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти | |
| 13 | З.Абдуқаюмов | Мевачилик ва узумчилик кафедраси доценти | |
| 14 | З.Норбоев | Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси доценти | |
| 15 | Ж.Каримов | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси ассистенти | |
| 16 | Д.Якубова | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси ассистенти | |
| 17 | Х.Худоёрова | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси ассистенти | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **С.Я.Исламов**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**
**Бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| т/р | Вазирлик (идора) нинг ташкилот (корхона) лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)* | | Вазирлик (идора) нинг таълим йўналишлари (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1 | 5411600 | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик таълим йўналиши | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>- Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик, очиқ ҳамда ҳимояланган ер сабзавотчилигини самарали юритишни ташкил этишни;<br>- сабзавот, полиз экинлари ва картошкани етиштириш ҳамда ҳосилини йиғиштириш технологик харитасининг агротехник қисмини тузишни;<br>- сабзавот, полиз экинлари, картошкани етиштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар экиладиган материаллар, қадоқлаш идишлари ва бошқа материалларни ҳисоблай билиши;<br>- очиқ ер учун сабзавот-полиз ва картошкани алмашлаб экиш схемасини ва ҳимояланган ер иншоатлари учун экинларни айланиш схемаларини ишлаб чиқишни;<br>- сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш учун энг юқори ҳосилли навларни, энг самарали техника воситаларини танлай олишни;<br>- сабзавот экинлари кўчатлари экилганидан сўнг тўлиқ тутиб олишини таъминланадиган илдиз тизимини ривожлантиришнинг илғор усулларини қўллашни;<br>- иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавот ва полиз экинлари ўсимликларига шакл бериш;<br>- ҳимояланган ер иншоатларида сабзавот ва полиз экинларини ўстирилаётганда ёруғлик, ҳарорат, сув ва озиқа моддаларини оптималлаштиришни;<br>- полиэтилен плёнка билан, вақтинча ҳимояланган ерларда сабзавот ва полиз экинларини етиштиришни;<br>- иссиқхоналарда, очиқ майдонларда етиштириладиган сабзавот-полиз майдонларида тупроққа ишлов бериш, суғориш, ўғитларни бериш, парваришлаш ва бошқа агротехник чора тадбирларни бажара олишни;<br>- уруғ олиш учун сабзавот экинлари экилган майдонларда опрабация ўтказиш, уруғларни етиштириш ва тайёрлаш;<br>- сабзавот экинларини очиқ ва ҳимояланган жойда етиштиришда инсон томонидан бевосита ҳамда механизация воситалари ёрдамида бажариладиган ишларни сифатини назорат қилишни;<br>- сабзавотлар, полз ва картошкага бирламчи ишлов беришни ва уларни сотувга чиқаришни ташкил этишни;<br>- илмий-изланишлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга мустақил татбиқ қила олишни;<br>- сабзавотчилик ва полизчилик агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва амалга оширишни;<br>- меҳнат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллай билиши; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик ва очиқ ва ҳимояланган жой сабзавотчилиги тармоқлари ҳамда меҳнат жамоалари фаолияти натижа бергунича, олдиндан баҳолашни билиши;<br>- сабзавотчилик ва полизчилик агротехнологиялари бўйича илмий ғояларни тезда ўзлаштириб, танқидий баҳо бериб, уни тадбиқ этиш йўлларини аниқлашни;<br>- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак. |
| 2 | 5A411001 | Сабзавотчилик ва полизчилик | Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак.<br>Бундан ташқари у:<br>- сабзавотчилик ва полизчиликда янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;<br>- сабзавот ва полиз экинларини етиштиришнинг илғор технологияларни қўллаш;<br>- сабзавот ва полиз экинларида экспериментал изланиш ишларини намунавий услубиятига асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериш;<br>- ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш;<br>- сабзавот ва полиз экинларининг янги навларини етиштириш усулларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш;<br>- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;<br>- сабзавотчилик ва полизчилик соҳасида ўтказилаётган тадқикотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳларини ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларини тузиш;<br>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштрок этиши ва маъruzалар қилиш;<br>- илмий матбуотларига мақолалар тайёрлаш;<br>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши лозим.<br>- агрофирма ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг технологи бўлиб ишлаш;<br>- сабзавот ва полиз экинларининг янги навларидан фойдаланишни асослаш;<br>- сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда замонавий технологияларни қўллаш;<br>- ҳимояланган ер иншоотларидан фойдаланиш;<br>- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилиш сифатини наорат қилиш;<br>- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалар ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаш;<br>- сабзавот ва полиз экинларини кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаш;<br>- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;<br>- касбий этика кодексига риоя қилиши лозим.<br>- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;<br>- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг экспулатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;<br>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштрок этиш ва бошқалар. |
| 2 | 5A 411004 | Картошкачилик | Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Бундан ташқари у:<br>- картошкачиликда янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;<br>- картошка ўсимлигини етиштиришнинг прогрессив технологияларини қўллаш;<br>- картошка экинини экспериментал изланиш ишларини намунавий методикага асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериши;<br>- ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаши;<br>- картошка экинининг янги навлар ва етиштириш усулларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш;<br>- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;<br>- картошкачилик соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;<br>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштрок этиши;<br>- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш;<br>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши лозим.<br>- картошкачиликда илмий лойиҳаларни бошқариши, ишлаб чиқариш жараёнларини ва ресурсларини режалаштириши, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, илмий лойиҳа командасини бошқариши;<br>-картошкачиликда корпоратив ўқитишни ташкил қилиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириши;<br>- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиши;<br>- картошкачилик соҳасида ишлаб чиқариш фволияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши ва тадбиқ қилиши;<br>- картошкачилик ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши ва тадбиқ этиши;<br>- картошкачиликда замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши;<br>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштрок этиши лозим.<br>- агроучастка ёки бошқа шаклдаги хўжаликларида технолог бўлиб ишлаши;<br>- картошканинг янги навларидан фойдаланишни асослаши;<br>- картошка етиштиришда замонавий технологияларни қўллаши;<br>- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротадбирлар бажарилиши сифатини наорат қилиши;<br>- замонавий ахборот технологиялар, комьпютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаши;<br>- картошкани кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаши;<br>- лойиҳа ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиши;<br>- касбий этика кодексига риоя қилиши ва бошқалар. |
| 3 | 5A411005 | Мева-сабзавотчиликда биотехнология | Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак.<br>Бундан ташқари у:<br>- донор ўсимлик танлаш;<br>- эксплантлар олиш;<br>- протопластлар олиш усуллари; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - каллус тўкимасини ҳосил қилиш;<br>- каллусдан ўсимликлар регенерацияси;<br>- соматик дурагайлар олиш;<br>- in vitro уруглантириш;<br>- экиш материалини вирусдан ҳоли қилиш;<br>- клонли микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимлик тўқималарини культуралаш техникаси;<br>- клонли микрокўпайтириш шароитларини оптималлаштириш;<br>- эксплант тўқималаридан адвентив куртакларни индукциялаш;<br>- соматик эмбриогенезни индукциялаш;<br>- биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳсулот унумини ҳисоблаш;<br>-статистик натижаларни таҳлил этиш;<br>- мева ва сабзавот чиқиндиларни қайта ишлашда конверциянинг хусусияти ва масштабини ўрганиш;<br>- мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашда микроб деградациясидан фойдаланиш усуллари;<br>- чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланиш усуллари;<br>- мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;<br>- ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи фитогормон ва фиторегуляторлар ишлаб чиқариш технологияси;<br>- ўсимликларни касалликлар ва заракунандалардан ҳимоя қилишда фойдаланадиган препаратлар олиш усуллари;<br>- ҳашаротлар организмидан микроорганизмларни ажратиб олиш усуллари;<br>- ажратиб олинган микроорганизмларнинг энтомопатоген фаоллигини аниқлаш;<br>- олинган микроорганизмларни энтомопатоген фаоллигинианиқлаш;<br>- олинган микроорганизмларни ҳашаротларга таъсирини ўрганиш;<br>- товар холдаги препаратлар тайёрлаш усллари ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши**;<br>- мева сабзавот ўсимликлари культураларини in vitro ўстириш шароитини танлаш;<br>- озиқа муҳитларини тайёрлаш ва стериллаш;<br>- ўсимлик материаллари ва асбоб ускуналарни стериллаш усллари;<br>- ўсимликлардаги мавжуд меристемаларни фаоллаштириш;<br>- тўқималар культурасида муртакларнинг ҳосил бўлишини бошқариш;<br>- ўсимлик маҳсулотлари деградацияси усуллари;<br>- мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлаш;<br>- микроорганизмлардан биомасса ажратиш;<br>- микроорганизмлар маҳсулотларини қуритиш;<br>- натижаларни илмий асослай билиш **кўникмаларига эга бўлиши**;<br>- мева-сабзавот экинлари ҳосилдорлигини, сифатини биотехнологик усллар ёрдамида ошириш **тажрибаларига эга бўлиши керак**.<br>- мустақил равишда илмий тадқиқот олиб бориш, очиқ ва ҳимояланган ерда сабзавот ва полиз экинлари билан дала ва вегетацион тажрибалар ўтказишни;<br>- илмий ҳамда илмий техник адабиётларни ўрганишни, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиш;<br>- илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларни қўллаган |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | ҳолда илмий нашрлар тайёрлашни;<br>- замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши;<br>- махсус фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машгулотларини олиб бориш, ўкув-танишув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;<br>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўланмалар, таркатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календарь режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни;<br>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни;<br>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак. |

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлим бошлиғи** **Ш.Жоникулов**

**Ўсимликларнинг генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори** **А.Аманов**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти директори** **Р.Низомов**

**Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Қибрай тумани** **“30” июль 2020 йил**

